

ЎЗАРОНАФ

(Давом. Боши 1-бетда).

СССР Нефть саноати министрининг қорхоналари, жумладан «Главтоменнефтегаз», «Татнефть», «Томскнефть», «Пермнефть» бирлашмаларининг қорхоналари Сурхондарё хўжаликлари билан иқтисодий ҳамдўстлик туғрисида узоқ муддатли (10 йилгача) шартнома туздилар. Нефтьчилар Ўзбекистон қолхоз ва совхозларини ривожлантириш учун оғирлар қурилишига маблағ ва материаллар берадилар. Ёғоч-тахта, металл, транспорт, турли машина-ускуналарни ажратдилар. Улар шунга баравар қийматда ортиган сабаблар, сўнгра узув, мева оладилар. Бунда қарама, сабзи, қулунай Сибирга яқин қунар ичида етказиб берилди бошлайди.

11 май кун Тошкентда бўлиб ўтган кенгашида КПСС Марказий Комитети март Пленумининг йўл-йўриқлари асосида мамлакат аҳолисини мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш вазифаларини ҳал этишга алоқадор масалалар муҳофиза қилинди.

Е. К. Лигачев шу кенгашида нутқ сўзлаб, Омск, Брест, Ставрополь ва Калугада бўлиб ўтган зона семинар кенгашиларида хўжалик ҳисоби, юқари муносабатлари, саноат ва қишлоқ хўжалик қорхоналари кооперациясини кенгайтиришга, оилавий хўжаликлар ҳамда боғдорчилик-полизчилик кооперативларини ривожлантиришга доир масалалар кўриб чиқилганлигини айтди. Биз Россия Федерацияси ва жумладан Москва, Урал, Сибиргайи областлар ҳамда республикалар, саноат қорхоналари, қолхоз ва совхозлар, матбуот кооперациясининг Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон билан узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли иқтисодий асосдаги бевосита алоқаларини янада ривожлантиришга бағишланган бугунги учрашувга ҳам катта аҳамият беришимиз.

Аниқ қилиб айтганда, озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан сабзавот ва мева, картошка етиштиришни кўпайтириш мақсадида саноат, қишлоқ хўжалиги ва матбуот кооперацияси қорхоналари меҳнат коллек-

тивларининг куч-гайратларини бirlаштириш ҳақида, республикаларо меҳнат тақсимотини ва кооперацияни янада ривожлантириш туғрисида гап борапти. Бу соҳада бизнинг тажрибамиз бор. Аммо ҳозир мана шу жараёнларнинг ҳаммасига яна ҳам планли, кенг миёсали тус бериш мумкин. Асосийси эса, бевосита алоқалар тенглеш, ўзаро манфаатдорлик принциплари асосига, бараварлиги асосига қурилиши лозим. Бундай ёндашув иттифоқдор республикаларда ўзини ўзи боқибдириш ҳамда ўзини ўзи пул билан таъминлаш асосида экономика ва социял соҳага раҳбарлик қайта қурилади бошлаетганлиги билан батамом мос келади.

Бу масаланинг социял жиҳати жуда муҳимдир. Маҳсулот етиштириш ҳамжариини ўсиши ва регионлар ўртасида уни кенг қўламда яйриб-бошлаш аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш ва унинг турмуш даражасини ошириш, қолхоз ва совхозларнинг экономикасини ҳамда уларнинг молиявий аҳолини мустаҳкамлаш, жамғарма мамбоналарини кенгайтириш имконини беради. Бунинг устига моддий ресурслардан яна ҳам оқилона фойдаланиш, қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлиги муаммосини яхшироқ ҳал этиш мумкин, ҳолбуки Ўрта Осиёда меҳнат ресурслари охиш-тошиб ётганлиги маълум.

Областлар, ўлкалар ва республикалар кооперациясини, шунингдек саноат ва қишлоқ хўжалик қорхоналари ўртасидаги хўжалик алоқаларини ривожлантиришнинг сиёсий аҳамияти ҳам гоят катта. Бу — миллатлар муносабатларини уйғунлаштириш, миллатлар ўртасидаги қардошлик муносабатларини ривожлантириш, тажрибани ва маънавий бойликлари баҳам қуриш, меҳнаткашларини интернационал руҳда тарбиялаш учун иқтисодий негизларни кенгайтиради ва мустаҳкамлайди.

Шундай қилиб, республикалар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик ва саноат ҳамда қишлоқ хўжалик қорхоналарининг бевосита алоқаларини ривожлантириш туб иқтисодий ислоҳот ҳамда мамлакат сиёсий системасини

қайта қуриш билан уйғунлашиб кетади. Бу — совет жамияти турмушининг барча томонларини янгилашдан иборат кенг миёсали программанинг муҳим бўғинидир.

Ўрта Осиё республикаларининг агроасаноат комплексиди пахтачилик ҳамон гоят муҳим соҳа ҳисобланади. Пахтанинг юксак сифатли бўлишини ва толаннинг мумкин қадар кўпроқ олиншини таъминлаш зарур. Бундан ташқари, бу ерда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, аҳоли жон бошига гўшт ва сут, сабзавот ва мева истеъмол қилишни ошириб боришга эришиш керак.

Тўғрисиини айтсак, сўнги вақтларгача Ўрта Осиё республикаларида ҳам мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш суст ривожлантирилди. Матбуотда кооперациясини таъйириш ва қайта ишлаш базаларини вужудга келтиришдан четда қолди. Ўзбекистон ва Тожикистон республикаларининг матбуотда союзулари ўз пойтахтларида бошқарув аппарати учун ҳамақадар маъмурий биналар барпо этилиди, аммо мева-сабзавот маҳсулотини қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш учун замонавий қорхоналар тармоғини ривожлантириш борасида тайинли бйрон иш қилганларни йўқ. Агар бунга қўшимча қилиб поездларнинг секин юришини ҳам айтганидан бўлсак, Ўрта Осиё республикаларидан мева ва сабзавотнинг талайгина қисми Москва шаҳри, Урал ва Сибирга ҳамда мамлакатнинг бошқа районларига нима учун сифатсиз ва ҳатто чирган ҳолда етказиб берилётганлиги туршунари бўлиб қолади. Минглаб километр жойдан етказиб берилган маҳсулот уни сақлаш жараёнида ҳам қўллаб қириб кетмоқда.

Кейинги вақтларда шу региондаги республикалар мева-сабзавот комплексларини ривожлантириш программасини ишлаб чиқдилар. Маҳсулотини анча кўпайтириш, зарур инфраструктура-ни вужудга келтириш назарда тутилмоқда. СССР Темир йўллар министрилик, аэрофлот, автомобил транспорт муҳим чора-тад

ЯНГИЧА ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРАЙЛИК

(Давомий. Боши 1-бетда).

Ишлаб чиқаришни бошқаришда демократик асослар мустаҳкамланмоқда. Барча раҳбарларнинг етти процент лавозимларга меҳнат коллективлари томонидан сайланди. Уларнинг 11 проценти хотин-қизлардир. Мастерларнинг 10 проценти, бригадирларнинг 64 проценти ҳам меҳнат коллективлари томонидан сайланди. Мутахассисларнинг 3,7 минг лавозим конкурс асосида эгалланди.

Корхоналарда ва уларнинг бўлинмаларида 2 мингта яқин меҳнат коллективлари кенгашлари ишлаб турибди. Кенгашларга сайланган 55 минг ходимнинг 33 мингдан ортиғи ишчилардир.

Аҳолининг даромадлари. Халқ хўжалигида ишчилар ва хизматчиларнинг ўртача ойлик пулли иш ҳақи 200 сўми ташкил этди. Ўтган йилнинг шу даврида эса 182 сўм эди, қолғиларнинг жамоат хўжалигида қолғочлар меҳнатига ҳақ тўлаш ўтган йилдаги 118 сўм ўрнига 119 сўми ташкил этди.

Тошкент областининг давлат статистикаси органлари томонидан муттасил тадқиқ қилинаётган ишчи ва хизматчилар оилаларининг пулли даромадлари ҳар бир оила аъзоси ҳисобига бир ойда 91 сўми, қолғочларники 67 сўми ташкил этди.

1989 йилнинг январь-мартда 926,4 миллион сўмлик халқ истеъмоли товарлари (алкоголлик ичимликлар нархидан ташқари) ишлаб чиқарилди, бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 60 миллион сўмлик кўпидир.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1,9 миллион сўмлик кўпайди.

Биринчи кварталда айрим муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари турларини ишлаб чиқариш қуйидагича бўлди:

	1989 йил I кварталда амалда ишлаб чиқарилган	Тошкентнинг бошқаруви	1989 йил I кварталда амалда ишлаб чиқарилган	Тошкентнинг бошқаруви
Гўшт (давлат ресурслари хом ашёсидан) — минг тонна	13,3	108	89	
Қолбаса маҳсулотлари — минг тонна	9	103	97	
Мол ёғи (давлат ресурслари хом ашёсидан) — тонна	10	143	83	
Қаймоғи олинмаган сут маҳсулотларини сутга айлантириб ҳисоблаганда (давлат ресурслари хом ашёсидан) — минг тонна	53	105	105	
Маргарин маҳсулотлари — минг тонна	8,8	101	101	
Ўсимлик мойи (давлат ресурслари хом ашёсидан) — минг тонна	15,6	100,7	103	
Кондитер маҳсулотлари — минг тонна	25	101	105	
Консервалар — шартли миллион банка	40	109	93	

320 миллион сўмлик енгил саноат товарлари ишлаб чиқарилди. Бундай буюмларни ишлаб чиқариш йилининг шу даврига нисбатан 18,6 миллион сўм ёки 6,2 процент кўпайди.

Боқлар, ёшлар ва катта ёшдаги кишилар учун қатор товарлар ишлаб чиқариш биринчи квартал топириқлари бажарилиди. Айни вақтда бундай товарларга бўлган эҳтиёж тўла қондирилмапти.

Енгил саноат товарлари ишлаб чиқаришнинг қўпайиши кўп жиҳатдан чакана нархларга қўшимча ҳақ қўйиш билан сотилаётган буюмлар ҳисобига бўлмоқда.

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигига қарашли 3 та ишлаб чиқариш бирлашмаси ва корхоналари (улар умумий сонининг 14,3 проценти) маҳсулот етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятларини уладламади. Улар истеъмолчиларга 3,6 миллион сўмлик маҳсулот етказиб бермади.

Ноозиқ-овқат халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 10 процент кўпайди. Уларни ишлаб чиқариш қуйидагича бўлди:

	1989 йил I кварталда амалда ишлаб чиқарилган	Тошкентнинг бошқаруви	1989 йил I кварталда амалда ишлаб чиқарилган	Тошкентнинг бошқаруви
Трикожаз буюмлари — миллион дона	7,4	101,1	110	
Пайпоқлар — миллион жуфт	0,2	127	146	
Пойабзал — миллион жуфт	4,1	102	107	
Мебель — миллион сўмлик	8,7	103	105	
Чинни-фаянс идишлари — миллион сўмлик	40	103	109	

Ҳали ҳам кўпгина корхоналар аҳоли учун товарлар ишлаб чиқариш топириқларини уладламапти.

Чакана товар обороти ва пулли хизматлар. 1989 йилнинг биринчи кварталда давлат ва кооператив савдоси чакана товар обороти 1,2 миллиард сўмликни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 78,0 миллион сўмлик (7,2 процент) кўпайди. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат товарлари сотиш 3,2 процент ошди. Умуман, область бўйича, Тошкент шаҳри ҳам шу ҳисоба кириди, товар обороти жами ҳақми плани 102,4 процент қилиб бажарилиди.

Давлат ва кооператив савдосида айрим товарларнинг сотилиши қуйидагича бўлди (минг тонна):

	1989 йил I кварталда сотилди	1989 йил I кварталда ишлаб чиқарилган	1989 йил I кварталда ишлаб чиқарилган	1989 йил I кварталда ишлаб чиқарилган
Нон маҳсулотлари	133,9	106,0		
Қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари	496,3	101,9		
Пиллоқ	0,9	78,2		
Мол ёғи	6,4	65,0		
Ўсимлик мойи	8,4	81,0		
Маргарин маҳсулотлари	2,2	78,5		
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	41,6	81,6		
Валиқ ва балик маҳсулотлари	6,3	106,5		
Тухум — миллион дона	141	93,7		
Қанд-шакар	18,1	105,1		
Кондитер маҳсулотлари	13,2	68,8		
Чой	1,6	102,5		
Картошка	20,4	110,2		
Сабзавотлар	18,9	150,2		
Мева ва цитруслар	2	134,7		
Алкогидолсиз ичимликлар — миллион декалитр	1,6	99,3		
Минерал сувлари — миллион декалитр	0,5	75,5		
Мева ва сабзавот шартблатлари — шартли миллион банка	6,4	76,8		
Арак ва ликер-арак маҳсулотлари — миллион декалитр	0,3	135,7		
Узуми виноси	0,4	157,3		
Шампан виноси —				

Янгича анзалар: шаҳарлар кун



БЕКОБОД-44 ЁШДА

ОБЛАСТИМИЗНИНГ йirik индустриал шаҳарларидан бири — Бекобод ташкил топган кун ҳар йили кенг нишонланиши доний, яхши анъанага айланган. Мазкур байрам, айниқса, ёшларни интернационализм ва ватанпарварлик руҳида тар-

биялашда катта аҳамият касб этмоқда. Ана шундай тадбирлар областимизнинг бошқа шаҳар ва районларида ҳам кенг оммалаштирилса яхши бўларди.



7 МАЙ КУНИ Бекобод шаҳрининг 11-микрорайонидagi «Ўзбекистон» кинотеатри майдониде байрам танталари бўлиб ўтди. Шаҳар типидagi Бекобод посёлкисини областга бўйсунувчи шаҳарга айлантириш ҳақидаги Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони қабул қилинганлигининг 44 йиллиги муносабати билан ўтказилган ушбу байрамда шаҳарликлар билан бир қаторда Бекобод район миришкорлари, Ленинобод область вакиллари ҳам қатнашдилар. Ушбу анжуманга бағишланган митингда шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Эркин Махмудович Рўзиев ҳамда шаҳар ижроия комитети раиси Давронжон Зиётович Қориевлар кўпмиллатли Бекобод шаҳри, айни кунларда, республикаимизнинг йirik санаот марказларидан бирига айланганлигини, бу ерда 13 та йirik санаот корхоналари фаолият кўрсатганлигини, шунингдек, шаҳарда мактаб ва болалар муассасалари кун сайин ортиб бораётганлиги ҳақида алоҳида тўхталдилар.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда шаҳардаги 17 та умумий таълим мактабиде 14335 ўқувчи таълим олмақда. Шаҳарда 31 та мактабгача муассаса мавжуд. Урта Осиёда ягона ҳисобланган металлургия заводи, цемент комбинати,



Суратда: Юбилей танталарида лавҳалар.



Суратларни А. Мальцев олган.

СПОРТ

ПЕШКАДАМ ЎЗГАРДИ

УЧ МАМЛАКАТ йўллари бўйлаб ўтказилган Жаҳон велосипедчилигининг учинчи босқинда қатнашчилар Лодзь — Вроцлав оралигини 198 километрлик масофани босиб ўтти. ГДР пойгагачи Олаф Йенш масофани 4 соат 51 минут 37 секунд натижа билан ғолиб келди ва шахсий ҳисобда биринчи ўринга чиқиб олди. Тошкентлик Жамолiddин Абдужаббаров финишга пешқадамлар гуруписи сафиде етиб келди.

ХОККЕЙЧИ ҚИЗЛАРИМИЗ ГАЛАБАСИ

АЕЛЛАР ўртасида чим устида хоккей бўйича СССР чемпионатининг навбатдаги ўйинлари бўлиб ўтди. Тошкент областининг «Полиотдел» қизлари Киевнинг «Спартак» коллектив билан иккинчи ўйин ўтказиб, иккаласида ҳам устун келдилар. Ўйинларда 2:1 ва 1:0 ҳисоблари қайд этилди. Шунингдек, олий лигада қатнашаётган республикаимизнинг иккинчи вакили андижонлик қизлар ҳам Бухоронинг «Технолог» командасини икки марта (4:0 ва 2:0) мағлубиятга учратдилар.

МАҚСАД САРИ

СССР терма командаси ўтган кун Истамбулда Туркия футболчилари билан навбатдаги учрашувни ўтказди. Ҳар иккала команда ҳисобида 5 тадан очко бор эди. Шунинг учун ҳам ўйин ниҳоятда кескин ўттиш кутилганди. Туркия футболчилари ГДР командасини икки марта мағлубиятга учраттишгандан сўнг футбол оламида, айниқса, учинчи гурупада анча «шош-аҷ» кўтаришди. Аммо мухлислар кут-

гандек кескин кураш бўлмади. Совет футболчилари ўйин бошидан охиригача таъаббусни ўз қўллариде сақладилар. 41 минутда А. Михайличенко ҳисобини очгандан сўнг футболчиларимиз иккинчи бўлимда яна бир неча қўлай имкониятлар яратишди. Айниқса, Заверовнинг рақибларнинг бир неча ўйинчилисини алдаб ўтиб, дарвозани нишонга олиши, Протасов, Литовченко, Добровольскийларнинг ҳужумлари мезонларни додиратиб қўйди. Учрашувнинг охири

минутларидагина мезонлар бурлиш ясагача уриниб кўрдилар. Лекин терма командамиз ҳимоячилари ҳушёр турдилар.

Совет футболчиларининг бу галабасидан сўнг гурупадаги аҳвол қуйидагиче:

	У	Ю	Д	М	Т	О
СССР	4	3	1	0	7	1
Туркия	5	2	1	2	8	5
Австрия	2	1	0	1	3	4
Исландия	3	0	2	1	2	4
ГДР	4	1	0	3	3	8

Бир кун аввал Истамбулда Туркия — СССР ўшлар

терма командаси ўртасида ҳам саралаш учрашув бўлди. Совет спортчилари 3:0 ҳисобида устун келдилар. Тўпларни Коливанов (2 та) ва тошкентлик пахтакорчи А. Пятницкий киритдилар. Мамлакат ўшлар терма командаси уч учрашувдан сўнг 5 очко билан гурупада пешқадамлик қилмоқда.

Мухаррир
Н. НАСИМОВ.

СПОРТ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

КОНКУРС ПИСАНД ЭМАС

АГАР СИЗ «СИГНАЛ»-ГА МУРОЖААТ ҚИЛСАНГИЗ ОЛИЯ ЎҚУВ ЮРТИДАГИ КОНКУРСДАН ҚЎРҚМАСАНГИЗ ҲАМ БЎЛАДИ

«СИГНАЛ» кооперативининг юқори